ҚУРИЛИШ МЕЪЁРЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИ

КОРХОНАЛАР, БИНОЛАР ВА ИНШООТЛАР ҲУДУДЛАРИНИ ТЎСИШ

ҚМҚ 2.07.03-97

РАСМИЙ НАШР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА ВА ҚУРИЛИШ ҚЎМИТАСИ

ТОШКЕНТ 1996

УДК 725.4.051.011

ҚМҚ 2.07.03-97 "Корхоналар, бино ва иншоотлар худудларини тўсиш" Ўзбекистон Республикаси Давлат Архитектура-қурилиш қўмитаси-Тошкент

"Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" ҳиссадорлик жамияти томонидан ишлаб чиқилди ва келтирилди (Т.Х. Тинчеров - мавзу раҳбари, А.К. Мусин - маъсул ижрочи)

МУҲАРРИРЛАР: Т.Н.Набиев, Ф.Ф. Бакирханов, Р.Ф. Файзуллаев, Ш.У. Узоқов (Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура-қурилиш қўмитаси) У.Х. Илҳомов, Э.Ф. Леннешмидт, Х.К. Турсунов, У.Х. Тинчеров, А.К. Мусин (Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ ҳиссадорлик жамияти)

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура- қурилиш қўмитаси архитектура ва шаҳарсозлик бўйича Бош бошқармаси томонидан тасдиқлаш учун тайёрланди (Р.Ф. Файзуллаев, Ш.У. Узоқов).

" Корхоналар,бино ва иншоотлар худудини тўсиш "ҚМҚ 2.07.03-97 амалга тадбиқ этилиши билан собиқ СССР Давлат қурилиш қўмитасининг 22.05.1972 йилдаги 99-сонли Қарори билан тасдикланган "Корхоналар, бинолар ва иншоотлар майдонлари ва участкаларини тўсишни лойиҳалаштириш бўйича кўрсатмалар " СН 441-72 ўз кучини йўқотади.

Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (УПО МВД), Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Давлат шаҳар техника назорати билан келишилган.

Таржимон - Ахмедова М.Т. (АТМ "АКАТМ").

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура-қурилиш қўмитасининг рухсатисиз тўлалигича ёки қисман қайта чиқарилиши, кўпайтирилиши мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси (Давархқурилишқўм)	Қурилиш меъёрлари ва қоидалари	ҚМҚ 2.07.03-97
	Корхоналар, бинолар ва иншоотлар ҳудудларини тўсиш	СН 441-72* ўрнида

1. УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР

1.1. Мазкур меъёрлар янгитдан қурилаётган ва тикланаётган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида молиявий таъминлаш манбалари ҳамда қайси идорага итоат қилишидан қатъий назар, турли вазифадаги корхоналар, бино ва иншоотлар ҳудудларини тўсишни лойиҳалаштиришга талаблуқли бўлади.

1.2. Тўсиқларни лойиҳалаштиришда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура-қурилиш қўмитаси розилигига биноан тасдиқланган бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига ҳам риоя қилиш зарур.

1.3.Мазкур меъёрларга Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Мудофаа вазирлиги, Энергетика вазирлиги ҳамда бошқа вазирликлари, идоралари рўйхатида белгиланган режим корхоналари ва объектларидаги махсус турдаги тўсиқ ва қўриқлаш зоналарини лойиҳалаштириш кирмайди.

1.4. Тўсиқларда албатта " Саноат корхоналарининг бош режалари " СНиП II-89-80, "Қишлоқ хўжалиги корхоналарининг бош режалари" ҚМҚ 2.10.01-96, "Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ жойларини режалаштириш ва қуриш" ҚМҚ 2.07.01-94 талабларига мувофиқ ёнғин техникаси ўтиши учун икки томонлама дарвоза назарда тутилиши зарур.

2. АСОСИЙ ТАЛАБЛАР

2.1. Тўсиқларни фақат архитектура - режалаш топшириқлари ва лойиҳалаштиришга берилган топшириқларни ҳисобга олган ҳолда бино ва корхоналар, бино ва иншоотларни фойдаланиш ва қўриқлаш шартлари бўйича талаб қилинадиган ҳолдардагина лойиҳалаштириш керак бўлади.

2.2. Тўсиқларнинг баландлиги ва кўриниши тавсия қилинган иловага кўра қабул қилинади.Қурилишда баландликнинг катта томонга ўзгариши мумкин:

корхоналар, ташкилотлар, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар маблағлари ҳисобига - архитектура ва шаҳарсозлик бўйича маҳаллий идоралари розилигига биноан;

давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобига - Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура қурилиш қўмитасининг рухсатига кўра.

2.3. Ҳамма ҳолатларда қуйидагидай тўсиқларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ қилинади:

бир ёки бир неча бинолардан қўриқланадиган кириш эшиклари билан жойлаштирилган ишлаб чиқариш корхоналари (қимматли материалларни очиқ сақлаш омборлари ҳамда ер усти технологик транспорт алоқалари йўқ бўлса);

майдонининг умумий ташқи тўсиғи чегарасидаги бинолар ва иншоотларнинг айрим участкалари, бунда, албатта техника хавфсизлиги талаблари бўйича тўсиладиган участкаларни ёки санитария талаблари бўйича участкалари (очиқ электр подстанциялари, карантинлар ва гўшт комбинатлари изоляторлари ва бошқалар) истисно қилинади; корхоналарнинг келгусида кенгайиши учун эҳтиётдан олиб қўйиладиган ҳудудлар;

"Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ" хиссадорлик жамияти томонидан келтирилди	Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг буйруғи билан 21.10.96 йилда 95-сонли буйруғи билан тасдиқланди	Амалга тадбиқ қилиниш муддати 1 март 1997 йилдан.

Расмий нашр

тог-кон ва тог-кон саноати корхоналари (шахталар участкалари, очиқ конлар, арзон баҳодаги қазиб олинадиган металларни ишлаш бойитиш фабрикалари, тог-қутқарув взводлари бинолари);

карьерлар (портлатиш ишлари олиб борилаётган участкалардан ташқари) ва қазиб олинадиган руда ва норудд омборлари (бокситлар, тошлар, шағал, қум ва бошқалар);

ёпиқ тақсимлаш қурилмалари ва подстанциялар бинолари; коммунал вазифали бажариш иншоотлари (фильтрлаш, суғориш далалари, умум фойдаланишга тааллуқли ер участкалари; инспекторлик йўллари билан дарё қирғоқлари, бошқа сув ҳовузлари;

арзон баҳодаги хом ашё ва материаллар омборлари;

аҳоли ва ҳайвонотга таркиби хавфли бўлмаган ишлаб чиқариш чиқиндиларидан сочилувчан ва арзон баҳодаги материалларни юклаш ва тўкиш учун присталлар (техника хавфсизлиги шартлари бўйича талаб қилинадиган тўсиладиган ўлардан ташқари);

темир йўл станциялари (қўриқлаш, фойдаланиш ёки техника хавфсизлиги шартлари бўйича тўсиқлар талаб қилинадиган участкалардан ташқари);

саноат корхоналарининг завод олдидаги майдончаларида кўзда тутилган ёрдамчи бинолар ва иншоотлар;

давлат ва кооператив қурган тураржой бинолари (лойиҳалаштиришга берилган топшириқда бошқа этилган ҳоллардан ташқари).

2.4. Қуйидаги корхоналарга тўсиқлар тавсия этилмайди:

савдо корхоналари;

умумий овқатланиш корхоналари;

аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари;

стационарлари бўлмаган даволаш муассасалари (поликлиникалар, диспансерлар, диагностика марказлари);

айрим спорт бинолари (спорт заллари, ёпиқ сузиш ҳавзалари ва бошқалар);

офислар, бошқармалар бинолари;

театрлар, клублар. Маданият саройлари, қишлоқ-маданий марказлар бинолари, кинотеатрлар ва бошқа томоша бинолари, кўргазма павильонлари.

Эслатма. Фойдали қазилмалар, хом ашё ва материалларни арзон баҳога киритишни Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, корпорациялари, концерилари ва бошқа идоралари амалга оширади.

2.5. Тўсиқларни, қоида бўйича, майдонча четида жойлашган бинолар фасади, олди бўйлаб назарда тутиш керак эмас.

Бундай ҳолларда тўсиқларни фақат бинолар ўртасидаги орлиқда назарда тутиш зарур.

2.6. Тўсиқлар конструкциялари эксплуатация ва замонавий эстетик талабларга мувофиқ келадиган ихчам бўлиши керак.

Тўсиқлар йиғма темир-бетондан ёки пўлат тўрдан, нафас пўлатдан, ғиштдан, тошқол-бетон тошлардан, яхлит девордан, тиканли симдан, намунавий-типовой ёки якка лойиҳалар бўйича бошқа маҳаллий қурилиш материалларидан бўлиши мумкин.

2.7. Ғиштдан ёки тошқол-бетон тошдан тўсиқларда сиртида цемент-қум эритмасидан таркибида 1:2, қалинлиги камида 30мм бетон ёки бутобетон пойпеш горизонтал гидроизоляция қурилмаси назарда тутилиши керак.

2.8. Яхлит ўзакланган ва ўзакланмаган ҳисобсиз тўсиқлар учун температура-киришиш чоклари ўртасидаги масофа, иситилмайдиган бинолар учун тош, бетон ва темир-бетон конструкцияларни лойиҳалаштириш меъёрлари бўйича белгиланади. Температура-киришиш тўсиқлари кесими - фундамент -пойдевор қирғоғигача қилинади.

2.9. Агарда яхлит тўсиқлар фундамент-пойдеворларига ўта чўкувчан грунтлар асос бўлиб хизмат қилса, унда унинг иншига йўл қўймаслик чораларини кўриш зарур.

Тўсиқлар фундамент-пойдевор тагигигача чўкувчан чоклар билан қирқилган бўлиши зарур.

Чўкувчан чоклар ўртасидаги масофа конструкция ҳисоби бўйича аниқланиб тахминан 30-40 м қўйилади.

Чўкувчан ва температура-киришиш чокларини қўшиб юбориш маслаҳат берилади.

Чоклар эни горизонтал кўчишда ва аралаш участкалар ишлаби ўз вазнидан ҚМҚ 2.02.01-97 ва унга қўлланмага мувофиқ грунтларнинг ўта чўкувчанлигида ҳисоб қилиниб аниқланади.

2.10. Тўсиқларнинг ер ости қисмларини сув ва намдан иҳоталаш керак.

2.11. Тўсиқларнинг ҚМҚ 2.03.11-97 га мувофиқ темир элементларида антикоррозион қоплама бўлиши керак.

2.12. Яхлит тўсиқлар учун горизонтал кучдан ҳолатнинг турғунлигини, бардошлиги текширилиши зарур (сейсмик, шамол). Бу чўзилувчанлиги харакати каби қабул қилиниши мумкин бўлмаган кесимларга киради, масалан, фундамент-пойдеворнинг грунтга таянган сатҳида, гидроизоляцион қатламдаги тўсиқ деворида.

Ҳисобдаги мақсад - конструкциянинг эришталишини назарда тутиш, огоҳлантириш.

Деворнинг бардошлилик ҳолати фақат бир шартдагина, агарда тенг мувозанатдаги горизонтал ва вертикал кучлар кесим чегарасида, унинг сиқилиш чеккасида етарли даражада турган бўлса, яъни эксцентриситетнинг чекланишида таъминланади.

Ҳисоб қуйидаги формула бўйича ишлаб чиқилади:

$$Eo = M/N \leq m\,y$$

M - кўндаланг куч ҳисобидан ва меъёрий марказдан таъсирлар берилган моментга.

m - 0,9 га тенг деворлар учун қабул қилинувчи коэффициент.

y - элемент оғирлиги марказидан экспентриситет томонига кесим четигача бўлган масофа.

2.13. Тўсиқлар фундаментининг қўйилиш чуқурлигини грунтларнинг ҚМҚ 2.02.01-97га мувофиқ муалаши ва физик-механик хоссаларини ҳисобга олган ҳолда қабул қилиш керак.

ТЎСИҚЛАРНИ ТАНЛАШ ЖАДВАЛИ

Тавсия қилинган илова

N п.п	Корхоналар, бинолар ва иншоотлар	Тўсиқнинг баландлиги	Тўсиқ тури
1	2	3	4
1.	Ер устидаги мунтазам транспорт ҳаракатига мўлжалланган корхоналар ва объектлар ҳамда техника хавфсизлиги талаблари бўйича тўсилган, шунингдек, санитария талабларига мувофиқ тўсиладиган озиқ-овқат, қишлоқ хўжалик ва бошқа маҳсулотларни қайта ишлаш бўйича корхоналар (сут-гўшт, сабзавот консервалари, виночилик заводлари ва ҳоказо.)	2	Яхлит темир-бетон
2	Қимматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш корхоналари, қимматли материаллар ва ускуналар омборлари, уларни бир неча қўриқланмайдиган биноларда жойлаштириш.	1,6-2	Пўлат тўр ёки темир-бетон панжара
	Худди шундай айниқса қимматли материаллар, асбоб-ускуна ва маҳсулотлар (қимматли металлар ва бошқалар)	2	Яхлит темир-бетон
3.	Техника хавфсизлиги талаблари бўйича тўсиладиган аҳоли яшаш жойлари ҳудудларидаги объектлар:	1,6-2	Пўлат тўр ёки темир-бетон п панжара
	- очиқ тақсимот қурилмалари, подстанциялар, насосхоналар, қозонхоналар ва бошқалар. ;	1,6-2	Тиканли сим
	худди шундай аҳоли яшаш жойларидан четдаги;	1,2-1,6	Пўлат тўр
	худди шундай корхоналар ҳудудларидаги;	2	
	- газ иншоотлари (ГНС, АГЗС ва бошқалар)		ҚМҚ 2.04.08-96 га мувофиқ ёнмайдиган материаллардан қилинган, шамоллатиладиган тўсиқ
4.	Санитария-гигиена талабларига биноан тўсиладиган аҳоли яшайдиган жойлар ҳудудларида ёки ҳудуддан ташқаридаги объектлар (тоза сув резервурлари, артскважиналар, сув олинадиган жойлар ва бошқалар)	2,5	Яхлит темир-бетон, ёки 2м -ички ва бошқалари 0,5 м лик тиканли сим ёки ич томони 4-5 ипда тиканли сим билан ўралган тўсиқ кронштейни қурилмаси билан темир тўр. ҚМҚ 2.04.02-97га мувофиқ.
5.	Техника хавфсизлиги талаблари бўйича тўсиладиган транспорт вазифасидаги объектлар (аҳоли яшаш жойлари чегарасидаги тезликдаги темир йўлларнинг хавфли участкалари)	1,2	Пўлат тўр, тиканли сим (аҳоли яшаш жойларидан ташқарида)

Жадвалнинг давоми

1	2	3	4
6.	Аэродромлар: а) 1 ва 2-тоифадаги аэропортлар	2	Т-симон кийгизма билан яхлит темир бетон тўсиқ (3-изоҳга қаранг)
	б) 3,4 ва 5-тоифадаги аэропортлар	2	Темир бетон устундаги тиканли сим ёки Т-симон кийгизмали темир тўр (3-изоҳга қаранг)
7.	Санитария ёки ветеринария талаблари бўйича тўсиладиган қишлоқ хўжалик корхоналари	1,6-2	Пойпешли пўлат тўр ёки пойпешли темир бетон панжара
8.	Касалхоналар (инфекцион ва психиатриялардан ташқари) Худди шундай инфекцион ва психиатрик	1,6 2	Темирга нақш солинган пўлат тўр ёки темир-бетон панжара Яхлит темир-бетон
9.	Дам олиш уйлари, пансионатлар, санаторийлар, болалар ва талабалар дам олиш лагерлари, дам олиш базалари	1,2-1,6	Нафис темирдан, темир-бетон панжара, гишт ва темир билан комбинация қилинган, яшил девор, пўлат тўр яшил девор қатори орасига ўрнатиладиган ёки ингичка сим тўсиқ (болаларни соғломлаштириш муассасаларидан ташқари) 4,5-бобга қаранг.
10.	Умумтаълим мактаблари, лицейлар, гимназиялар, мактаб -интернатлар	1,2	Нафис темирдан, темир-бетон панжара
11.	Болалар ясли-боғчалари, болалар уйлари, ногиронлар интернат-уйлари ва жисмоний заиф болалар учун мактабгача муассасалари ва мактаблари	1,6	Нафис темирдан, темир-бетон панжара
12.	Ақлан заиф мактабгача болалар муассасалар ва мактаблар	2,0	Темир-бетон, гишт ёки яхлит тошқол-бетон (мактабгача муассасаларга кичик ашик ёки ёпиладиган дарвоза)
13.	Бошқармалар, офислар ва бошқалар учун бинолар компекси	Лойиҳалаштиришга берилган топшириққа биноан.	
14.	Спорт комплекслари, яхмалаклар, очиқ ҳовузлар ва бошқа спорт иншоотлари (келувчиларни назорат қилиш эшигида)	2	Пўлат тўр, нафис темирдан, темир-бетон панжара, гишт ва нафис темир комбинация қилинган

Жадвалнинг давоми

1	2	3	4
15.	Ботаника ва зоология боғлари	2	Пўлат тўр, темир-бетон панжара, яшил ва нафис темир комбинация қилинган
16.	Радио ва телевиденениенинг кўрикланадиган объектлари	Лойиҳалаштиришга берилган топшириқ бўйича	
17.	Умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари, савдо корхоналари, дам олиш муассасалари, спёхат ва бошқа хўжалик зоналари ва бошқалар	1.6	Яшил девор, пўлат тўр (атрофда кўрикланиш зарурияти бўлса)
18.	Элчихоналар ва бошқа чет эл ваколатхоналари бинолари	Лойиҳалаштиришга берилган топшириқ бўйича	
19.	Олий ва ўрта ўқув юртлари, коллеслар	Лойиҳалаштиришга берилган топшириқ бўйича	
20.	Темир йўл вокзаллари	2	Нафс темир, яшт ва нифис темир комбинация қилинган
21.	Бозорлар	1,6-2	Нафис темир, яшт ва нафис темир комбинация қилинган, пўлат тўр ёки темир-бетон панжара, пўлат тўр ёки темир-бетон панжара
22	Истироҳат боғлари	Лойиҳалаштиришга берилган топшириқ бўйича	
23.	Киришда келувчиларни назорат қилиб ўтказадиган истироҳат боғларидаги ёзги иншоотлар	1,6	Пўлат тўр (кўрикланиш зарурият бўлганда) ёки яшил девор.
24.	Пулли автомашина тўхташ жойлари	1,2-2	Нафис темир, пўлат тўр ёки темир-бетон панжара
25	Якка -хусусий қурилиш турар жойлари	Тўсиқнинг баландлиги ва кўриниши архитектура ва шаҳарсозлик идораларининг розилигини олган ҳолда белгиланади.	

Эслатма:

1. Метрополитеннинг очиқ участкалари учун тўсиқларни пўлатдан ёки темир-бетон панжарадан баландлигини 1,6 м қўллашга рухсат берилади.
2. Ёғоч тўсиқларни чорвадорлик, фермерлик, ҳайвонот хўжаликлар ва ўрмончиликда қўллашга рухсат этилади.
3. Т-симон кийгизма бўйи 0,1 м ва "солбони"нинг эни 0,5 м дан ҳар томонга 10 см оралатиб чўзиб тиканли симдан қилинади.
4. Тўсиқнинг балидлиги ва кўринишини танлаш қурилиш участкасининг аниқ шароитига ҳамда архитектура талабларига биноан қабул қилинади.

Жадвалнинг охирги

5. Болалар ва катталар ҳаламига қам оладиган соғломлантириш муассасаларида тўсиқ жуда мустаҳкам бўлиши керак. Бунда вертикал элементлар орасидаги масофа ониғи билан 100 мм бўлиши зарур. 6. Тоғли туманларда, тўғон деворлари билан тўсиқ участкаларининг қўшилишда тўсиқлар бўйи камида 1, 2 м бўлиши зарур. 7. Грунтлар хоссаларидан қатъий назар, тоғли туманлардаги ҳудулдаги тўсиқлар интенсив қор эриши ва ёмғир давридаги юза оқимлари дан сув чиқариш билан тоғ усти зовурларини тутиб қоладиган қурилма йўли билан ҳимоя қилиниши зарур. 8. Яшил девор ўз ичига махсус пайдаги буталар ва дарахтларни қатор қилиб (1-3 қатор) ўтқазишни олади. Яшил деворлар учун буталар ва дарахтлар навларини танлашда Ўзбекистон Республикаси ўрмончилик бўйича Давлат қўмитаси тавсияномаларига мувофиқ тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиш керак. 9. Маҳаллий қурилиш материаллари (ғишт, тошқол-бетон тошлари, синиқ тошлар ва бошқалар)ни архитектура ва шаҳарсозлик бўйича маҳаллий идоралари билан келишган ҳолда техника ва иқтисодий жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда қўллайлади. 10. Саноат, қишлоқ хўжалик корхоналарни, жамоат биноларининг хўжалик зоналари лойиҳалаштиришда, қоида бўйича, амалдаги оммавий қўлланг ҳужжатлари серияларига мувофиқ (намунавий ҳужжатлар), қабул қилиниши керак, корхоналар ва бинолар участкаларини кўча ва магистралларнинг қизил чизиғи бўйлаб жойлаштирилган бўлган ҳоллар бундан истисно қилинади ва уларга архитектура талаблари оширилган даражада қўйилади.

МУНДАРИЖА

1. УМУМИЙ КЎРСАТМАЛАР 1
2. АСОСИЙ ТАЛАБЛАР 1
3. ТЎСИҚЛАРНИ ТАНЛАШ ЖАДВАЛИ Тавсия қилинган илова 4

Таклиф ва мулоҳазаларингизни Давархитектқурилишқўмита қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз

(700011, Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6)

Нашрга "АКАТМ" АТМ томонидан тайерланган.